



Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 14-sentabr, shanba № 113 (3306)

Биз тинч-лик, ўзаро дўстлик ва аҳиллик, мураса йўли билан ўз мақсад-муддаолари-мизга эри-шамиз.
Ислон КАРИМОВ

ШҲТНИНГ БИШКЕК САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 12-13 сентябр кунлари Бишкекда ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 13 сентябр куни бўлиб ўтди. ШҲТга аъзо Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси тор доирадаги учрашув билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисида халқро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, шунингдек, ШҲТни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти амалий мулоқот ва минтақавий ҳамда глобал муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўлиларини биргаликда топиш учун қулай имконият экани таъкидланди.

Ташкилотга аъзо давлат раҳбарлари мажлисини кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар. Уларга кузатувчи давлатлар ва халқро ташкилотлар вакиллари ҳам қўшилди.

Халқро муносабатларда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш масалалари, замонавий сийёсат ва иқтисодиётнинг бугунги ҳолатига жиддий таъсир кўрсатаётган шиддатли жараёнлар рўй бераётгани қайд этилди. Глобал хавф ва таҳдидларга қарши биргаликда самарали курашиш, ШҲТ маконида барқарор иқтисодий-иқтисодий тарққийни таъминлаш вазифалари устувор аҳамият касб этмоқда.

ШҲТга аъзо давлатлар халқро терроризм, сепаратизм ва экстремизм, транс-миллий уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний ай-ланишига, ахборот хавфсизлигига таҳ-дид солаётган хавфларга қарши фаол ҳамда изчил курашмоқда. Ушбу соҳалари янада ҳамкорликнинг норматив базасини янада такомиллаштиришни қўллаб-қув-ватламоқда.

Президентимиз Ислон Каримов ўз нут-қида мажлис иштирокчилари эътиборини Сурия ва Афғонистонда рўй бераётган воқеаларга қаратди. Хунрезликлар Сури-ядан ташқарига ёйилишига йўл қўйма-лик даркор. Афғонистон муаммосини ҳар-бий йўл билан бартараф этиб бўлмайдиган, унинг сийсий ечимини топиш, БМТ шафе-лигида музокаралар ўтказиш ва қарама-қарши кучларнинг мурасога келишига эришиш бу борадаги ягона тўғри йўлдир. Ўзбекистон Афғонистон билан муносаба-тлари фақат икки томонлама асосда йўлга қўйди.

Ўзбекистон раҳбари йирик қўшма лойиҳаларни, айниқса, транспорт-комму-никация соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб-чиқиш ва амалга ошириш, ШҲТ Тараққи-ёт жамғармаси ва Ривожланиш банкни ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади. Ислон Каримов Оролбўйи минтақасида мураккаб экологик вазият юзага келгани-ни қайд этар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Оролни қутқариш халқро жамғармаси ўртасида ҳамкорлик меха-низмларини ишлаб чиқиш, экологик му-

аммоларни ҳал этишда ШҲТ салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланиш зарурли-гига эътиборни қаратди.

Саммит иштирокчилари миллий иқти-содийларини янада модернизация қилиш, инвестицион ҳамкорликни ривожланти-риш, транспортда ташиш, коммуникация-лар, инновацион технологиялар, агросе-наот соҳаларида ўзаро ҳамкорликни яна-да мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидла-ди. ШҲТ маконида яшаётган халқлар ман-фаати йўлида яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорликни, маънавий яқинлик, ма-даниятлараро мулоқотни ривожланти-ришга хизмат қиладиган илмий-техник ва маданий-гуманитар, туризм соҳаларида-ги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш му-ҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича қабул қилинган Бишкек декларациясида амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид асосий ёндашувлар, кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун бар-ча саъй-ҳаракатларни йўналтиришга қаратилган муштарак интилишлар ўз ифодасини топган.

Давлат раҳбарлари ШҲТга аъзо мам-лакатларнинг узоқ муддатли яхши қўшни-чилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида-ги шартнома қондаларини амалга оши-риш бўйича 2013-2017 йилларга мўлжал-ланган ҳаракат режасини имзоладилар.

Саммитда ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислон Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши-нинг мажлисидаги иштироки доирасида давлатимиз раҳбари ва Қирғизистон Рес-публикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг учрашуви бўлди.

Икки давлат раҳбарлари ШҲТ самми-тини юксак савияда тайёрлаш ва ўтказиш борасида Қирғизистон томони амалга оширган саъй-ҳаракатлар ҳусусида фикр алмашилди.

Президент Ислон Каримов давлат раҳ-барлари даражасида имзолаш учун тай-ёрланган ШҲТ доирасидаги ўзаро манфа-атли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ташкилот фаолиятини такомиллаштириш-га йўналтирилган қатор ҳужжатларнинг қабул қилиниши муҳим эканлигини таъ-кидлади.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қир-ғизистон ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликка доир масала-ларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини ошириш, икки томонлама транс-порт-коммуникация алоқаларини ривож-лантиришга қаратилган аниқ таклиф ва чора-тадбирларни муҳокама қилдилар.

Чегара ҳудудларида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар учун шартлоиларни яхшилаш, шунингдек, икки давлатнинг яхши қўшни-чилик алоқаларини ривожлантиришга бе-восита дахлдор бўлган бошқа масалалар юзасидан ўзаро келишувга эришилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ
КАРОИ

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддаси, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати 2013 йил ноябр-декабрда таъин этилиши билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши қарор қилади:

1. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2013 йил ноябр-декабр ойлари этиб белгилансин.
2. Бўлажак сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 97 миң нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
3. 2013 йил ноябр-декабрда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига 2013 йилнинг 1 октябргача бўлган муддатда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи комиссиялари таъин этилиши;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлигига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи комиссиялари таъин этилиши билан таъминлаш; халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши раислари депутатларига ўз сайлов округларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни тайёрлаш ва ўтказишни ташкил этишда фаол иштирок этиш;

оммавий ахборот воситаларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи комиссиялар томонидан ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи комиссияси ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ҳамда 2014 йил 15 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашига сайлов якунлари тўғрисида ахборот берсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ
Тошкент шаҳри,
2013 йил 12 сентябр

1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамо-лигида мамлакатимизда спортни ривожлан-тириш ва оммалаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида қитъа ва жа-ҳон миқёсида улкан муваффақиятларни қўлга киритиб, Ўзбекистон довуғини дунё-га тараннум этаётган ёшларимиз сафи йил-дан-йилга кенгайиб бормоқда.

Шогирдларим — фахрим

Халқро тоифадаги спорт устаси, Андижон вилояти халқ таъ-лими бошқармаси тасарруфидоги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Равшан Амилов сузиш бўйича мамлакатимиз-даги етакчи ва тажрибали мураббийлардан бири саналади. Унинг қўллаб-қувватлаши турли мусобақаларда голиблик шохсупа-дан жой олаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Равшан ака ҳали Андижон шаҳридаги 15-умумтаълим макта-бининг бошланғич синфидоги ўқиб юрган пайтларидаёқ сузиш билан жиддий шуғулланди. Ўқувчи-ёшлар ўртасидаги турли мусо-бақаларда иштирок этди. Кейинчалик вилоят ҳамда Республика олимпия захиралари спорт мактабидо, сўнг ҳозирги Андижон Дав-лат университетининг жисмоний тарбия факултетида тахсилни давом эттирди.

Ўз вақтида турли масофаларга сузиш бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпиони бўлган қаҳрамонимиз кейинчалик мураб-бийлик соҳасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритди.

Айни пайтга қадар унинг шогирдларидан 30 нафарга Ўзбекис-тон, 2 нафарга Осиё чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлган. Шогирдларидан бири Раъно Омонова 2012 йили Лондон-да бўлиб ўтган XXX ёзги олимпиада мусобақаларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди.

— Яқинда Туркияда бўлиб ўтган халқро турнирда мамлақати-миз тарма жамоаси таркибидо иштирок этган андижонлик сузув-чи 5 олтин, 5 кумуш, 3 бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ғалабасига муносиб ҳисса қўшди, — дейди турнир голибларидан бири, сузиш бўйича Ўзбекистон чемпиони Шохса-нам Тошпулатова. — Эришган ана шу муваффақиятларимизда ус-тозимиз Равшан аканинг ҳам хизматлари катта.

Унинг шогирдларидан Мафтуна Тўхтасинова, Нодира Абдул-лаева, Нодир Саидов, Уткир Абдуллаев, Фотима Амилова, Анна Чудинова, Собит Амилов, Карина Юдина, Муслима Одилова, Ре-ната Тўхтинова, Малика Рустамова, Нодира Шамсутдинова, Те-мур Язиков сингарии спортчилар республика ва Осиё чемпионат-ларида, турли халқро мусобақаларда голиблар қаторидан жой олган.

— Болалар ва ўсмирлар спорт мактабидо 300 нафардан зиёд ёшлар сузиш билан шуғулланмоқда, — дейди Р.Амилов. — Маш-гулотларни замонавий талаблар даражасида олиб бориш учун барча шароитлар яратилган. Очқ ва ёпиқ сув ҳавзалари улар-нинг ихтиёрида. Ишонманки, келгусида ана шу ёшлар ораси-дан ҳам таниқли спортчилар етишиб чиқади.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

Касаба уюшмалари — мустақиллик йилларида

Буюк ипак йўлида жойлашган, бир ярим милли-онга яқин аҳоли истиқомат қиладиган Жиззах воҳаси истиқлол йилларида таниб бўлмас даража-да кўркам қиёфа касб этди.

Ажиб ҳислар бор бу диёрда

— Вилоятимизда етакчи со-ҳаларни модернизация қилиш, илгор техника ва те-хнология билан қуролланти-риш, замонавий корхоналар барпо этиш, кичик бизнес, ху-сусий тадбиркорлик ва фер-мерлик ҳаракатини бунунги талаблар даражасида ривож-лантиришга эътибор қўйишти-рилди, — дейди вилоят каса-ба уюшма ташкилотлари бир-

Жиззах вилояти

лашмаси кенгаши раиси Ну-сратулло Пардаев. — Жонаҳон мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Жиззахда ҳам улкан ислоҳот ва янгиланишлар, кенг қўла-ли бунёдкорлик ишлари амал-га оширилмоқда. Шаҳару қишлоқларга ўзгача зеб бе-

риб турган, замонавий меъ-морчилик асосида қурилган бино ва иншоотлар, мактаб ва коллежлар, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт мажмуала-

ри истиқлол меваси, олиб бо-риладиган кенг қўламли исло-ҳотлар самарасидир. Мамлакатимиз Президентини-нинг шу йил 18 мартдаги «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғри-сида»ги Фармони вилоят та-раққийтини янги босқичга кўтарилди муҳим ҳужжат бўлди. (Давоми 2-саҳифада).

Велоспорт

Эътиборга муносиб жавоб

Юртимизда велоспорт риво-жига катта эътибор қаратил-моқда. Айниқса, сўнгги йиллар-да спортнинг ушбу тури аҳоли ўртасида кенг тарғиб этилаёт-гани, кенг имконият эшиклари очиб қўйилганлиги барча-бар-чани муваффақиятлар сари чорламоқда.

Профессионал спортчиларимиз рағбат ва эътиборга жавобан халқро майдон-ларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Қўлга киритилаётган кўндан-кўп ғалабалар фикримиз далили бўлиши мумкин. Мурод Холмуродов, Вла-димир Тўйчиев, Сергей Лагутин каби етакчи спортчиларимизнинг муносиб из-дошлари етишиб чиқаётгани Жанубий Кореяда ёшлар ўртасида велоспортнинг шосссе йўналишида ташкил этилган «Tour de Korea Cheong Ju MBC — 2013» халқ-ро турнири ҳам исботлади.

Мусобақада дунёнинг йигирма иккидан ортиқ давлатидан келган велоспортчилар голиблик учун кураш олиб боришди. Пой-ғаларда юртимиз шарафини Жаҳонгир Дармонов, Эрнест Османов, Сергей Мед-



ведов, Вячеслав Гальянов, Хусниддин Ҳақимов, Алексей Строиловдан иборат жамоа ҳимоя қилди. Эътиборга молик жиҳат шундаки, бу йигитларнинг барча-си кўп қарра Ўзбекистон чемпиони ва

халқро турнирлар голиби Сергей Лагу-тиннинг шогирдларидир. Беш турдан иборат пойгада Вячеслав Гальянов ҳамда Алексей Строилов барча рақибларини ортда қолдириб, олтин ме-

далларни қўлга киритган бўлса, яна бир спортчимиз — Хусниддин Ҳақимов фи-нишга иккинчи бўлиб етиб келди.

Энг муҳими, жамоавий баҳсларда ве-лоспортчиларимиз барча рақибларидан маҳорат бобидо устун эканликларини амалда намойиш этиб, шохсупаннинг би-ринчи погонасига қўтарилдилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон вело-спорт федерациясида музаффар спорт-чиларимизни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.


— Бундай эътибор барчамизни бирдай хурсанд қиладу ва, албатта, катта масъ-улият юклайди ҳам, — деди турнир голи-би Вячеслав Гальянов.

— Велоспорт шунчаки спорт тури эмас, соғлом турмуш тарзи жарчиси ҳамдир. У халқимизга хос бўлган жамоавий руҳни, бирдамлик ва аҳилликни тарбиялайди, — деди кумуш медал совриндори Хуснид-дин Ҳақимов.

— Жамоамиз жудама аҳил. Машгулот-ларда бирга қатнашамиз, биргаликда ҳордиқ чиқарамиз. Бир-биримизни дои-мо қўллаб-қувватлаймиз. Хоҳ пойгада, хоҳ ҳаётда. Ғалаба учун аҳиллик сув ва ҳаводой зарур. Муваффақиятимизнинг сирини ҳам шунда, — деди Алексей Стро-илов.

Энди ёшларимиз Италиянинг Тоскана ҳамда Эроннинг Мозандарон шаҳрида ташкил этиладиган Жаҳон чемпиони баҳсларида қатнашадилар. Биз улардан ажойиб ғалабалар кутиб қоламиз.

Аҳмад АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири,
Аҳмад ТУРА олган сурат



(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада).

Шу асосда ҳозирда ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари бошланган. Ҳадемай машинасозлик, электротехника, озиқ-овқат ва фармацевтика, тиббиёт маҳсулотлари, шунингдек, қурилиш саноатига ихтисослашган кўплаб йирик қувватлар ишга туширилади. Пировадидда, ички истеъмол бозори янги ва арзон маҳсулотлар билан тўлдирилиб, минглаб янги иш ўринлари яратилади.

Ислом Каримов жорий йил 19 июнда ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида вилоятга ташриф буюриб, фаоллар, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар ва ёшлар вакиллари билан учрашуви чоғида вилоятнинг маъмурий маркази — Жиззах шаҳрининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги салмоқли ўрни ҳақида алоҳида тўхталди. Давлатимиз раҳбарининг Жиззах шаҳрини энг намунали даражага кўтариш, шаҳар бош режасига киритилиши зарур бўлган жиҳдий ўзгаришлар, бунёд этилиши лозим бўлган иншоот, йўл ва кўприклар, хиббон ва боғлар ҳақида берган қимматли тавсиялари вилоят аҳлини беҳад қувонтирди.

Бу ерда амалга оширилаётган ишлар иқтисодиётнинг барча соҳалари ривожига ўз аксини топмоқда. Кўни кеча Ғаллаорол туманида умумий қиймати 1,3 млрд. сўмлик йирик саноат корхонаси, олис Бахмал туманида эса лойиҳа қиймати 5 млрд. сўмлик, йилга 4 турт минг тонна мева концентрати ишлаб чиқариш қуввати эга ихтисослашган линия ишга туширилган бўлса, Жиззах шаҳрида лойиҳа қиймати 47 млн. АКШ долларига тенг йилга 12 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, 10 минг тонна калава ип, 12,5 млн. дона тайёр трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қуввати эга йирик энгил саноат корхонаси — «Жиззахпластик» иш бошлади.

Воҳода бу каби улкан, диққатга сазовор бунёдкорлик ишларида касаба уюшма фаоллари ҳамда аъзоларининг алоҳида ўрни ва роли борлигини қувонч билан таъкидлаш жоиз.

Ижтимоий ҳимоядаги тизимли ишлар

Меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини қўлайтириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишувнинг амалиётга татбиқ этилиши ижтимоий шериклик борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш, сифат ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Чунончи, Бош келишув асосида вилоятда амал қилаётган битта ҳудудий келишув, 17 та тармоқ, 25 та (шаҳар) туманлар миқёсидаги ҳудудий тармоқ келишув, бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган 6162 та жамоат шартномаси мазмун-моҳиятининг давр талаби асосида такомиллаштирилиши орқали 128.185 нафар ҳодимнинг ҳамда 74.226 нафар талабанинг ижтимоий-иқтисодий манфаати ҳимояланаётган.

Аъзолик афзалликларини асослаш орқали нодавлат секторда меҳнат қилаётган кўплаб ҳодимларни касаба уюшма хизмати оғишига эришилди. Жамоат шартномаси ва келишувларига хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини қўлайтиришга оид янги банд ва бўлимларнинг киритилиши улар бандлигини таъминлаш, меҳнат бозоридagi рақобатбардошлигини ошириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Ҳодимлар иш беву-

чилар ва касаба уюшмалари ўртасидаги ижтимоий шериклик асосида яратиб берилаётган кўплаб имтиёз ва қафолатлардан фойдаланмоқда.

Касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида ижтимоий шериклик асосида тузилаётган жамоат келишувларида меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари аниқ ифода этилмоқда. Тармоқ келишувларида тармоқ ҳодимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш, қонун ҳужжатларига нисбатан қўшимча меҳнат қафолатларини белгилаш ҳамда

гашининг маблағидан ёлғиз кекса, пенсионер ва ногирон кишиларнинг 671 нафари ҳимийликка олинган. Ўтган даврда уларнинг ижтимоий-маиший эҳтиёжлари учун моддий ёрдам ва коммунал, маиший хизматлар тўловларига кўмаклашилди.

Жамоат шартномалари орқали корхона, ташкилот ва муассасалар маблағи ҳисобидан ҳодимлар ва улар оила аъзолари билан муассасаларга ўтказилган бўлса, «Санъатим сенга, обод юртим!» бадий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўриқ-танловнинг 1-2-ва 3-босқичлари ўтказилиб, уларда 5654 нафар ҳаваскор

бир қатор тадбирлар ташкил этилди. Касаба уюшмалари маблағидан 341 нафар болага 3915.0 минг сўмлик совғалар улашилди ва моддий ёрдам кўрсатилди. Сақкиз юзга яқин болаларнинг тарихий обидалар ва хайрия концертларига ташрифи уюштирилди.

Жорий йилнинг март-апрел ойларида 314 та бошланғич ташкилотда «Спорт — саломатлик гарови» ширини остида спорт мусобақалари ўтказилган бўлса, «Санъатим сенга, обод юртим!» бадий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўриқ-танловнинг 1-2-ва 3-босқичлари ўтказилиб, уларда 5654 нафар ҳаваскор

муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳайъати билан қўшма қарор қабул қилиниб, 2013-2014 йиллар учун белгиланган тадбирлар асосида кенг қўламли ишлар олиб борилапти.

Шунингдек, Бирлашма кенгаши, вилоят стандартлаш метрология бошқармаси, вилоят табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамда «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг вилоят ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатқашларга қўлай ва ҳавфсиз меҳнат шaroитини яратиш борасида қўшма чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Курултойида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича 2012 йилда 36 та, жорий йилнинг иккинчи чорагида 11 та янги ташкил этилган иш ўрнида меҳнат қилаётган фуқароларнинг меҳнат ва меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси мутахассислари билан ҳамкорликда ўрганилди ва амалий ёрдам қилинди. Вилоятда 2012 йил давомида

дириб бериш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларига ўтган йили олти, жорий йилнинг ўтган даврида иккита даъво аризалари киритилди. Масалан, вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази врачлари Нарғиза Сариеванинг оила аъзолари манфаатини кўлаб, 33 млн. 388 минг сўмлик, Жиззах шаҳар кўприк ҳўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси ҳодими Маҳмуд Аҳмедовнинг оила аъзоларига 7 млн. 128 минг сўмлик, Жиззах шаҳридаги «Мерос» ХИЧФ ишчиси Ўқтам Абдурахмоновга 8 млн. 144 минг сўмлик тўланмай келган зарар тўловлари суд орқали ундириб берилди.

Ҳодимлар сони 50 нафар ва ундан ортиқ бўлган корхона ва ташкилотларда иш бевуричи томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис лавозими жорий этилиши ва уларнинг малакасини ошириш юзасидан жамоатчилик назорати амалга ошириб келинмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида Дўстлик туманида учта, Зомин туманида бешта, Мирзачўл туманида учта умумтаълим макта-

йилнинг ўтган даврида вилоят Бирлашмаси юридик бўлимига 208 та мурожаат тушган бўлиб, шундан 55 таси ёзма, 26 таси оғзаки ва 137 таси «Ишонч» телефонлари»га бўлган мурожаатлар.

Уларнинг 30 таси гайриқонуний ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш ва интизомий жазо қўлланиш ҳақида бўлса, 9 таси иш ҳақи тўланмаётгани, 2 таси иш жойида ўрнатилган тартибдан норозилик, қолганлари меҳнат қонунчилигига оид бошқа масалалар тўғрисида бўлиб, барчаси ижобий ҳал қилинди. Гайриқонуний ишдан бўшатиш ҳодимини вазифасига тиклаш ҳақидаги тақдимномаларнинг бештаси иш бевуричлар томонидан қаноатлантирилди.

Судларга ишга тиклаш ҳақида 7 та даъво ариза киритилган бўлиб, 5 таси қаноатлантирилди. Суд қарорларига асосан 31 нафар ҳодим, тақдимномаларга асосан 12 нафар, жами 43 нафар фуқаро ўз ишга тикланди. Икки нафар фуқаронинг манфаатида иш ҳақи ундириш ҳақидаги даъво ҳам судда қаноатлантирилди. Суд қарорларига асосан ҳуқуқи бузилган фуқароларга 60 млн. сўмдан зиёд иш ҳақи ва маънавий зарар ундирилди.

Ҳафтанинг пайшанба кунлари туманлардаги касаба уюшма кўмиталарининг иши ўрганилиб, уларга амалий ёрдам берилмоқда. Сешанба кунлари «Ўзбекистон ижтимоий масъул фуқаролари Форуми» га қарашли ахборот марказида фуқаролар қабул қилиниб, уларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда.

Фуқаролар мурожаатларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, корхоналарда ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш аҳолини яхшилаш борасида ҳали кўплаб ишлар қилиниши зарур. Бунда, аввало, корхона раҳбарлари ва ҳодимлар бўлими мутахассисларининг ҳуқуқий саводи ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим.

Мурожаатлар соҳалар ва туманлар бўйича таҳлил қилиниб, энг кўп мурожаат тушган таълим тизими бўйича вилоят ҳалқ таълими бошқармаси ва вилоят ҳокимлиги ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, шунингдек, агросаноат тизими бўйича вилоят ҳудудий «Пахтасаноат» очиқ акциядорлик бирлашмасига таҳлилий хатлар юборилди. Бирлашма юридик бўлими билан ҳамкорликда меҳнат қонунчилиги бўйича ўқув-семинар, давра суҳбатлари ўтказиш юзасидан қўшма қарорлар қабул қилиниб, дастурлар тасдиқланди ва бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди. Мурожаатлар туманлар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп мурожаатлар тушган туманлар Арнасой, Жиззах ва Зарбдор туманларида аниқланган қонунбузарликлар бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Дарвоқе, жорий йилнинг июнида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Жиззах вилояти бўйича минтақавий вакили, Фуқаролик ҳимоятининг шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини вилоят ҳудудий бўлинмаси, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, вилоят ақша бошқармаси, Адвокатлар палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ўртасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар юзасидан ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда касаба уюшмаларининг устувор йўналиши — меҳнат аҳли манфаатлари йўлида тизимли ишлар амалга оширилаётган.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири, Муаллиф олган суратлар

Ажиб ҳислар бор бу диёрда

Жиззах вилояти



Дармоқ хусусиятларидан келиб чиқадиган бошқа масалаларга оид аниқ ва батафсил мейёрлар келтирилишига эришилмоқда. Уларда ижтимоий қафолатлар, соғлиқни муҳофаза қилиш, ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини, шу жумладан, болаларни соғломлаштиришни ташкил этиш масалалари акс эттирилган.

Жамоат шартномаси тадбирларини бажариш учун вилоят бўйича ўрта ҳисобда бир ҳодимга йил давомида сарфланган маблағ 369183 сўмни ташкил этиб, бу 2011 йилга нисбатан 111,2 фоиз ўсishга эришилгани аниқлаштирилди. Ҳозирда вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда вилоят савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ўртасида янги 2013-2015 йилларга мўлжалланган минтақавий келишув амал қилмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан касаба уюшма органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Бу борада вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида ҳамкорликдаги тадбирлар режаси қабул қилинган.

Айни пайтда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан яратилган янги иш ўринларининг ҳақонийлигини жойига қилиб ўрганиш натижаларига кўра ўтган давр бойида 133 та корхонада жами 634 та иш ўрни мониторинг қилинди.

Обод турмуш йилида вилоят корхона ва ташкилотларида имзоланган жамоат шартнома ва келишувлари орқали жорий йилнинг январ-июн ойларида уларнинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидагиларга эришилди:

- кам таъминланган 116 нафар оила фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатлари қисман қопланди;
- фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тулгунга қадар бўлган ёш оналарнинг 107 нафарига 7,9 млн., кам таъминланган оилалар вакиллари 470 нафарига 26,8 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди;
- 13 нафардан ортиқ олий ўқув юрларида қишлоқ жойларидан келиб таҳсил олаётган талабалар учун контракт пулиларининг бир қисми тўлаб берилди.

Айни пайтда Бирлашма кен-

гашининг маблағидан ёлғиз кекса, пенсионер ва ногирон кишиларнинг 671 нафари ҳимийликка олинган. Ўтган даврда уларнинг ижтимоий-маиший эҳтиёжлари учун моддий ёрдам ва коммунал, маиший хизматлар тўловларига кўмаклашилди.

Жамоат шартномалари орқали корхона, ташкилот ва муассасалар маблағи ҳисобидан ҳодимлар ва улар оила аъзолари билан муассасаларга ўтказилган бўлса, «Санъатим сенга, обод юртим!» бадий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўриқ-танловнинг 1-2-ва 3-босқичлари ўтказилиб, уларда 5654 нафар ҳаваскор

Куч — билим ва тафаккурда

Меҳнатқашлар, айниқса, ёшлар ўртасида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини уюштириш, уларнинг дам олишларини сермизмун ўтказиш, тарбиявий ва ташвиқот ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган.

«Маънавият соатлари»ни ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган намунавий дастур асосида, корхона, ташкилот, муассасаларда унинг ўтказилишини таъминлаш ва ижросини мониторинг қилиш йўлга қўйилди. Олти ой давомида 1227 та бошланғич ташкилотда «Маънавият соатлари» ўтказилиб, уларда 96 мингга яқин ҳодим қатнашди.

Вилоят касаба уюшмаларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик фаолияти яхши йўлга қўйилган бўлиб, хусусан, «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви, «Камолот» ЕИҲ вилоят бўлими кенгаши ва вилоят Хотин-қизлар қўмитаси билан жорий йилга мўлжалланган қўшма тадбирлари асосида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Наврўз байрами муносабати билан касаба уюшмалари томонидан 1407 нафар ёлғиз, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар вакиллари, уруш ва меҳнат фажрийларига 35,4 млн. сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга касаба уюшмаларининг 13,2 млн. сўм маблағ сарфланди. Вилоятда истиқомат қилаётган 160 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 32 млн. сўм моддий ёрдам берилди.

Халқро болаларни ҳимоя қилиш қўни муносабати билан

899 та, жорий йилнинг ўтган даврида 561 та иш ўрни меҳнат шaroити бўйича шаҳодатдан ўтказилди.

Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар мавзусидаги давра суҳбатига тайёргарлик қилиш жараёнида бошланғич касаба уюшмалари фаолиятини қўлайтириш мақсадида Зомин, Зафаробод ва Пахтакор туманларидаги корхона, ташкилот ва муассасаларга амалий ёрдам кўрсатилди.

«Ўзбекистон касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисида»ги Низомнинг талабига кўра ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текширишда, тиббий меҳнат-эксперт комиссияси (ТМЭК) мажлисларида қатнашиб касб касаллигига чалинганлар ҳимояси таъминланмоқда. Масалан, ТМЭК мажлисларида Жиззах шаҳридаги 18-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Лола Аҳмедова, 14-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Сайёра Санакўлова ва Жиззах туманидаги 21-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Зуҳра Ҳайдароваларнинг қонуний манфаати ҳимояланди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати, шунингдек, ҳодимларнинг меҳнат шaroитини яхшилаш юзасидан иш бевуричларга 44 та тақдимнома киритилиб, барчаси ижобий ҳал этилди. Ҳодимлар соғлиғига таъсир қилган зарар тўловларини ундириб бериш юзасидан ўтган йилда 47 та ариза ва мурожаат тушган бўлиб, барчаси ҳодимлар фойдасига ҳал этилди. Жабрланганларга 119 млн. 861 минг сўм зарар тўловлари ундириб берилди. Жорий йилнинг ўтган даврида 13 нафар фуқаронинг мурожаати ўрганиб чиқилиб, аризалар фойдасига 43 млн. 600 минг сўмлик тоvon пули ундирилди.

Ҳодимнинг меҳнатда майиб бўлиш оқибатида, меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ёки бошқа тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарар тўловларини ун-

бида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис лавозими жорий этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг жорий йилдаги «Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тасдиқлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом ҳамда «Санаторий ва дам олиш уйларида бериладиган имтиёзли йўлланмалардан фойдаланишга оид йўриқномаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари юзасидан туман, шаҳар ва бошланғич касаба уюшма ташкилотларида янги тизим бўйича маълумотлар берилиб, ўқув-семинарлар ўтказилди.

ЎзКУФК қошидаги Санатор-курортлар бошқармасидан жорий йил икки чораги учун 223 та йўлланмалар олинди. Арнасой, Зарбдор ва Ғаллаорол туманларида корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, да касаба уюшма ташкилотларида олиб борилаётган ишлар ўрганиб чиқилиб, уларга амалий ёрдамлар берилди. Бундан ташқари, афғон уруши қатнашчиларига, кам таъминланган оила аъзоларига, ногиронларга, шунингдек «Обод турмуш йили» дастури асосида «Умид Гулшани» санаторийсига эҳтижманд аёлларга бепул йўлланмалар берилди.

Арзнома... бекорга битилмайди

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, оилаларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш борасида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қoшида ташкил этилган юридик маслаҳатхона ва «Ишонч» орқали бепул ҳуқуқий хизмат қўламини кенгайтирилаётгани таҳсинга лойиқ, Жорий



Бошлангичда нима гап?

— Жорий йилнинг 15 февралда Агросоаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси вилоят кенгаши тасарруфидидаги шаҳар ташкилотлари тармоқ касабга уюшмаси Қибраги туман кенгашига қўшилган, фаолият доираси янада кенгайди, — дейди туман кенгаши раиси Уткир Раззоқов. — Айниқса, бошлангич ташкилотлар нуфузини оширишга жиддий эътибор қаратилаётир.

Айни пайтда кенгаш таркибида 62 та бошлангич ташкилот бўлиб, улар 11028 нафар аъзони бирлаштирган. Меҳнат аҳли яхши-ёмон кунларда касабқўмларга суяномқда. Утган даврда ишловчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун 25 та йўлланма олиниб, шундан 2 таси бепул берилди. Туман кенгаши ҳар бир масала ечимида бошлангич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

уларнинг суянган тоғига айлана бораёпти. Урни келганда эътиборини ўстириб, агар касабга уюшмаси иш берувчи билан ҳамкорликда ички имкониятларни ходимлар манфаатига йўналтира оلسа, билин-

мунтазам бериб бориляпти. Пахта мавсумида иштирок этаётганлар иш ҳақи ва терим пулидан ташқари озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланяпти. Илғор теримчилар рағбатлантирилмоқда. Шунингдек,

рамлар байрамдек нишонланяпти. Театр ва бошқа кўнгил-очар жойларга чипталар олиб берилиб, жамоа аҳлининг кўнгли олинмоқда.

Институтда спортнинг шахмат-шашка турига қизиқиш катта. Ходимлар ўртасида уюштирилётган мусобақалар фоят қизгин тус олаётир. «Жамоанинг фидойи фаол аъзоси», «Йил олими» кўрик-танловлари аънамага айланиб қолди. «Жамоанинг фидойи фаол аъзоси» танлови голиби бошлангич касабга уюшма ташкилоти, «Йил олими» танлови голиби эса институт раҳбарияти томонидан тақдирланмоқда.

Шарофат НОРКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Суянса суянгудек тоғ

— Ходимлар ўртасида ўз ўрнимиз бор, — дейди Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти бошлангич касабга уюшма кўмитаси раиси Болтабой Оллоқулиев. — Турли муаммоларни ҳал этишда

ғки, ўша жамоада ютуқлар ўзини кутдириб қўймайди. Муҳими, меҳнат учун қўлай шарт-шароитлар яратилган. Айрим касб вазифалари бўйича асосий иш ҳақидан ташқари устама ҳақлар, барча ишловчиларга йўл ва овқат пули

ишчи-ходимлар вақти-вақти билан мукофотлар, моддий ёрдамлар олишаётир. Аъзолар саломатлиги кун тартибидан тушмайдиган долзарб масаладир. Шунинг учун ҳам ҳар йили мажбурий тиббий кўрик ўтказилмоқда. Бай-

Матбуот анжумани

Ердан самарали фойдаланайлик

«Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси томонидан «Ерлардан самарали, мақсадли, оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масалалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер қонунчилигига амал қилиниши бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда Ер кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги Низом» асосида «Ергеодезкадастр» давлат кўмитасига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юклатилган вазифалар ижроси ҳамда жойларда ер қонунчилигига амал қилиниши борасида амалга оширилган ишлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумотларга кўра, 2013 йил 6 ойи давомида 258 та ҳўжалик юритувчи субъектда ердан фойдаланиш юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида 248 ҳолатда ердан фойдаланишдаги қўнун бузилишлари аниқланган. 201 та ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарларига нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш кўзгатилиб, 30,6 миллион сўм миқдорда жаримага тортилган. 4 та ҳолатда эса қўнунбузарларнинг ҳўжжатлари ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди. Шунингдек, 32 ҳолатда қўнунга хилоф фаолият кўрсатган субъектларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 34-моддасига асосан Худудий кенгашларга ҳўжатлар тақдим этилиб, тегишли жазо чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, 11 та ҳолатда аниқланган номуводчилик учун ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарларига ер қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида огоҳлантириш ва тегишли кўрсатмалар берилди. Утган чоралар давомида ўтказилган текширувларда аниқланган қўнунбузарликлар асосида 1961 нафар ердан фойдаланувчига ажратилган 114652,1 гектар ер майдони белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланмаганлиги учун амалдаги қўнунлар асосида туман ҳокимлиги заҳира ер фондида қайтариб олиниб, уларни тегишли тартибда бошқа фойдаланувчиларга бериш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмоқда.

— Кўмита томонидан ўтган олти ой давомида ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, 2032 та ҳолатда 38845,0 гектар майдонда қишлоқ ҳўжалиги ерлари ҳолатининг ёмонлашуви, ажратиб берилган ерлардан ҳўжасизларча ва самарасиз фойдаланиш, ердан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ўзбошимчилик билан эғаллаб олиш, амалдаги қўнунларга зид равишда қабул қилинган қарорлар асосида ер майдонларини эғаллаб олиш каби қўнунбузилишлар содир этилганлиги аниқланди, — деди «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Тўлқин Абдуллаев. — Бундан 1813 та ҳолатда ер қонунбузилишларини бартараф этиш юзасидан маҳаллий давлат органлари, ташкилот ва корхоналар ҳамда фермер ҳўжалиқлари раҳбарларига тегишли тақдимнома ва кўрсатмалар киритилди. Шунингдек, кўмита томонидан бундай камчилиги ва нуқсонларни тугатиш мақсадида матбуотда чиқишлар, тадбиркорлар ўртасида тушунириш ишлари, кўргазмали семинарлар ташкил этилмоқда, қўлланма ва буклетлар чоп этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган ярим йиллик мобайнида кўмита фаоллари ва ҳамкорлар ёрдамида 836 марта «Очиқ эшиклар кўни» ташкил этилиб, бу тадбирларда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан қатнашган. Худудларда ташкил этилган 197 та «Ишонч телефонлари»га тобора кўпроқ савол ва ариномалар тушаётгани фўқроларнинг ердан фойдаланиш бўйича ташаббус ва фаоллиги юксалаётганидан дарак беради.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири

Қорақалпоғистон Республикаси касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси таркибига кирувчи кўйи бўғинлардаги аъзолар 300 минг нафардан кўпроқ. Бирлашмада аъзоликка жалб этишни янада фаол олиб бориш мақсадида қатор тадбирлар белгиланган. Жорий йилнинг ўтган даврида нодавлат ташкилотлар ҳўмийлигида фаолият бошлаган 104 корхонада бошлангичлар рўйхатга олинди.

Ижобий ўзгаришлар

— Ҳозирда касабга уюшма ташкилотлари фаолиятида катта ўзгаришлар бўляпти, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Соғиндик Ниетуллаев. — Айниқса, жорий йил касабга уюшмалари тизимида «Бошлангич ташкилотлар йили» деб эълон қилиниши уларнинг нуфузини янада оширди. Бинобарин, кўйи ташкилотлар ўртасида ўтказилаётган «Энг намунади бошлангич ташкилот» кўрик-танлови етакчиларнинг тажрибаси ва намунади фаолиятини юзага чиқариш имконини бермоқда.

Дарҳақиқат, кўрик-танловнинг ҳар бир босқичи юқори савияда ташкил этилди. Якуний босқичга йўлланма олган иштирокчилар иш фаолиятини стэнд ва баннерлар, видеоролик ҳамда кўргазмалар орқали намойиш этишди. Танловда 1-, 2-, 3-ўринларни эғаллаган ва «Энг чиройли кўргазма ташкил қилган бошлангич ташкилот», «Энг яхши тақдимот қилган бошлангич ташкилот» номинациялари бўйича голибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ортиқбой МАМУТОВ



Касабақўм минбари

Истиклол йилларида мамлакатимизда мислсиз ўзгаришлар амалга оширилди. Биргина Зарафшон шаҳри мисолида оладиган бўлса, жорий йилнинг ўзида қанчадан-қанча иншоотлар қад кўтарди. Гузарлар, маҳаллалар, корхона, ташкилот ва муассасалар жойлашган худудлардаги ободлиқни кўриб, кўнгил яйрайди.

Имкониятлар кенгаймоқда

Ривожланиш жараёнида ишловчиларнинг чинакам ҳимоячиси саналган касабга уюшмалари ҳам муносиб улуш қўшмоқда. Навоий Давлат педагогика институтини муваффақиятли тамомлаб, ёш авлодга таълим-тарбия бера бошлаганини йигирма йилдан ошди. 2007 йилда 175 нафар аъзони бирлаштирган таълим муассасаси бошлангич касабга уюшма кўмитасига етакчи этиб сайландим. Аъзоларнинг қувонч ва

ташвишига шерик бўлаётганим менга доимо кўч бағишлайди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Хосият Бердиеваннинг сай-ҳаракати билан мактабимизда бошлангич ташкилотлар фаолиятини тубдан яхшилаш бўйича худудий семинар ташкил этилди. Унда мактабларда фаолият юритаётган етакчилар билан тажриба алмашидик.

Қарши шаҳридаги «Қашқадарёти-жоратсавдо» масъулияти чекланган жамияти ихтисослашган улғурчи худудий базасида совутиқли омборхона ишга тушди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги «2011-2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва манзилли дастури асосида 3 миллиард сўмга яқин банк кредити эвазига реконструкция қилинган мазкур омборхона 3 минг тоннагача мева-сабзавотни сақлаш имконига эга. Омборхона Германиядан келтирилган қиймати 415 минг еврога тенг совутиш ускуналари билан жиҳозланган. Маъмуанинг ишга тушиши натижасида 22 янги иш ўрни яратилди.

— Ушбу омборхона вилоят деҳқон ва фермерлари томонидан етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини куз-киш мавсумида сақлашда деҳқонларимизга асосий кўмакчи бўлади, — дейди «Қашқадарётижоратсавдо» масъулияти чекланган жамияти ихтисослашган улғурчи худудий базаси директори Неймат Аҳмедов. — Энг муҳими, вилоятимиз аҳолиси йил давомида арзон ва сифатли мева-сабзавот маҳсулотларидан баҳраманд бўлади.

Суратда: ишчи Шерзод Абдувалимов.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (Ўза) олган сурат

Истиклол берган имкон

Республика ихтисослаштирилган Дерматология ва Венерология илмий-амалий тиббиёт маркази юртимиздаги нуфузли шифо масканларидан. Юртбошимиз фармонида кўра 2009 йилдан ҳозирги мақомига эга бўлган шифохонада жаҳон талабларига мос равишда тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда энг сўнгги даволаш муолажаларини қўллашга оид изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Марказда дерматомикология, дерматология ҳамда жинсий алоқа орқали юқувчи инфекцияларни ва репродуктив бузилишни даволаш бўлимлари мавжуд. Шифохонадаги малакали мутахассислар беморларни дарддан доринг қилиш билан бирга, тери ва таносил касалликларини даволашнинг янги усулларини топиш бўйича илмий изланишлар олиб боришяпти.

қўйидагиларни гапириб берди:

— Бўлимимизда инсон терисида учрайдиган замбуруғли касалликлар даволаб келинмоқда. Бу хасталикларни ўсимлик паразитларига мансуб замбуруғлар кўзгатади. Улар ҳавода, тупроқда, ўт ва сув ҳавзаси атрофида нофаол ҳаёт кечиради. Аммо бошқа шароитларда, масалан, одам ёки ҳайвон терисига тушганда касаллик чақиради. Ҳозирда замбуруғларнинг юз мингдан ортиқ хили маълум

ҳодим меҳнат қилади. Уларнинг 72 фоизини аёллар ташкил этади. Марказ маъмурияти ва касабга уюшма кўмитаси ўртасида 2013-2015 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси имзоланиб, унда ходимларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларига оид бир қатор имтиёзлар белгиланган. Касаба уюшма кўмитаси фаоллари томонидан ишчиларнинг меҳнат шароити ва дам олишини яхшилашга қара-

Ходимлар билан ойда бир марта мазкур йўналишда мутахассисларни жалб қилган ҳолда давра сўхталари ўтказамиз. Жамоамизда зарарли меҳнат шароитида ишлайдиган ходимлар учун жамоа шартномасига тегишли бандлар киритилган. 50 дан ортиқ ходим бепул сут маҳсулотлари билан таъминланади. Шунингдек, ҳар йили 3-4 нафар ходим санаторийларда дам олиб соғлигини тиклайди. Мисол учун, ҳамшира Шаҳноза Кўчқоро-

муа тренажер ва спорт анжомлари билан жиҳозланган. Бу йил «Камолот» ЕИХ туман кенгаши билан биргаликда спорт мусобақалари ўтказдик. Бу каби ташаббус ва чора-тадбирлар жамоамизга манзур бўлмоқда.

Марказга ташрифимиз тантанавор паллага тўри келди. Шу кўни энг улуғ ва азиз байрамимиз муносабати билан марказда катта байрам тадбири ташкил этилди. Тадбир доирасида «Ош» мусобақаси ўтказилиб, ходимлар ва даволанаётган беморларга дастурхон ёзилди. Жозибали кўй-қўшқлар, қизиқарли саҳна кўринишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

Шунингдек, фидокорона ва ўрناق кўрсатиб хизмат қилган 60 нафардан ортиқ ходим моддий рағбатлантирилиб, 20 нафардан ортиқга совғалар улашилди ҳамда меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди.

— Жамоамизда байрамлар, ходимларнинг таваллуд кунлари унутилмас тарзда ўтказилади, — дейди марказ хотин-қизлар кўмитаси раиси, тиббиёт фанлари доктори Шаҳноза Мавлонова. — Туман ва шаҳар миқёсида хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган турли танловлардаги фаол иштироки учун Олмасор тумани ҳокимлигининг фахрий ёрлиги билан тақдирландим. Бу каби эътибор ва рағбат ўз ишмини сийқидилдан бажаришга ундайди.

Гувоҳи бўлганимиздек, Республика ихтисослаштирилган Дерматология ва Венерология илмий-амалий тиббиёт марказида ўзгалар ташвишини ўз дарди деб биладиган моҳир шифокорлар меҳнат қилмоқда.

Гўзал НОРҚАЕВА, «Ishonch» мухбири, Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Дуо олган омондир

риб, зарур ҳолатда стационар ётиб даволаш таклифи этилмоқда. Мазкур жараён ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

— Шифокорларга мурожаат қилганимда оғир аҳволда эдим, — дейди Янгийўл тумани Халқобод қишлоғида яшовчи Фотима Нажимова. — Бугун аъзои баданимда қизил тошмалар тошиб, қон босимим ошиб кетганди. Бу ерга келиб, зарур муолажаларни олган, тез фурсатда дардим ариди. Шифокорлар овқатланиш тартиби ва парhezга риоя қилишни тайинлашди. Жонқуяр врач Сарвар Беғимқулов ва ҳамширалардан миннатдорман.

Дерматомикология бўлимида бу каби миннатдорлик ҳиссини туйётган беморлар талайгина. Мазкур бўлим фаолияти ҳақида тиббиёт фанлари доктори Зухра Абидова



бўлиб, 500 га яқини одам ва ҳайвонлар учун патоген ҳисобланади. Замбуруғли касалликлар юқумли бўлиб, тез тарқалади, айниқса, болалар ўртасида тез-тез учрайди. Бугунги кунда бўлимимизга мурожаат қилаётган беморларнинг аксарияти микроспория ва оёқ микози касаллигидан шикоят қилишади. Уларни бор билим ва маҳоратимизни ишга солиб даволашга ҳаракат қилаёғимиз. Шифохонада 300 га яқин ишчи-

тилган чора-тадбирлар бисёр. — Жамоамизда меҳнат муҳофазаси қаттиқ назорат остида, — дейди марказ касабга уюшма кўмитаси раиси Шухрат Қобулов. — Ҳар кўни меҳнат хавфсизлиги муҳофазаси учун тайинланган масъул ходим-инженер томонидан текширувдан ўтказилади. Шунингдек, «Хавфсизлик бурчаги» ташкил этганмиз. Унда хавфсизлик қондалари ва йўриқномаси ақс этган турли стэнд ва плакатлар жойлашган.

мавсумида жамоамизнинг Тошкент вилоятининг хушхава масканларида маданий дам олишини ташкил этдик. 20 нафардан ортиқ ходим «Угам» дам олиш масканида фарзандлари билан хордик чикарди. 50 нафар ходим Самарқанд шаҳрига бир кунлик саёҳатга юборилди. Бемор дардига маълум бўлиши учун, аввало, шифокорнинг ўзи соғлом бўлиши керак. Шу бонс марказда спорт-соғломлаштириш мажмуаси ва ўйингоҳ мавжуд. Мах-

Орамиздаги одамлар

Яқинда Президентимизнинг Фармони асосан Косон тумани ФХДБ бўлими mudirasi Жамила Файбуллаева «Шухрат» медал...



Саодат остонаси


Тиниб-тинчимас аёл 26 йилдан бери ушбу вазифада ишлаб келмоқда. Жамила опа фидойи хамкасблари, айниқса, Миришор тумани ФХДБ бўлими mudirasi, олий маълумотли юрист...

Иззат ҲИҚМАТОВ

Кўрғазма

Обод турмуш манзаралари

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан Марказий кўрғазмалар залида «Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деб номланган кўрғазма давом этмоқда...



Рангтавирда ишланган манзара, портрет, натюрморт ва мавзули воқеабанд композициялар экспозициянинг асосий қисмини эгаллаган бўлиб...

Кўркам гўшалари, бетакорр табият кўринишлари алоҳида эътибор, меҳр-муҳаббат билан ёрқин, сержилва, жозиба...

Экспозициядаги натюрмортлар эса миллий кадрятларимизга мансуб осори-атиқалар, шунингдек, саховатли табиятимиз ва деҳқонлар томонидан етиштирилган ноз-неъматларнинг бадий ифодасига бағишланган...

Баҳром ТОЖИБЕВ, санъатшунос

Дзюдо

Жорий йилнинг 4-6 октябр кунлари пойтахтимизда дзюдо кураши бўйича Гран-при туркумига киручи илриқ халқаро турнир ўтказилди.

Халқаро турнир

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, мукофот жамғармаси 100.000 АҚШ долларини ташкил этган маъруз мусобақада 2016 йилги Олимпияда ўйинлари йўлнамаси учун рейтинг очколар ҳам ўйналди.

«Туркистон-пресс»

Зиё

Шарқий ҳарбий округ қўмондонлигида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунинчи, «Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» широри остида Ўзбекистон халқ шоирлари Иқбол Мирзо, Анвар Обиджон, истеъдодли ёзувчи Исажон Султон иштирокида ташкил этилган учрашув ҳарбий хизматчиларда катта таассурот қолдирди.

Энг яхши китобхон

Фарғона шаҳридаги Офицерлар уйда ҳарбий қисмлар ва муассасалар ўртасида ўтказилган «Энг яхши китобхон» кўриктанлови эса маърифат ва маънавият байрамига айланган кетди.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

Файратнинг ёмон бир одати бор. Гурунг «ейди». Истаган вақтда, кўнгли тусган қишлоқдошининг уйига меҳмон бўлиб боради. Эрталаб борса, кун ботарда қайтади. Чойини етказиб бериб турсангиз бас...

Оғиз сеники... Жойлашиб ўтириб, латифани бошладим. — Бир меҳмон беш бармоғини ботириб овқат еркан. Бир тўхтаб олиб, Файрат жўрамга қарадим. Унинг кўзлари катта-катта очилиб кетди. Латифани қолган жойидан давом эттирдим.

— Уч бармоғин билан овқат есанг, ўласанми? — танбех берибди мезбон. — Қолганлари ғазабланади-да, — ваз кўрсатибди меҳмон. — Нега энди беш бармоғин билан овқат есан? — баттар ғазабланибди мезбон.

тибди меҳмон. Латифани тугатиб, Файратда содир бўлаётган ҳолатни кузатдим. Чикаётган жаҳлини билдирмаслик баҳонасида бармоқларини «қисир»латарди. — Яна тушунмадинг, — энди Файратни киноя билан савалга бошладим. — Нега тушунмаясан? Қийин жойи йўқ-ку?!

— Аҳмоқ! — Файрат жўрам аламини ўша латифадаги мезбондан олди. — Уч панжаси билан ейдими, беш панжаси билан ейдими... Унга нима? — Гап панжалари билан овқат ейишда эмас, — пўртанага айланаётган жаҳлига қувват бердим. — Гап латифадаги

ЛАТИФА

— Нима қилай, — дебди меҳмон бармоқларини ялаб. — Бошқа бармоқларим бўлмагандан кейин бештаси билан ейман-да.

Хотиним пишириб келтирган шовланга Файрат жўрам иштаҳа билан еяётган эди. Қўлини тортиб, сочиққа артиди. — Олавер! — дедим мулозамат кўрсатиб Файрат жўрамга. — Нега қўлингни ардинг? Бу бор-йўғи бир латифа. Икковимизга тааллуқи жойи йўқ. Файрат йўталганга ўхшаш овоз чиқарди. Эҳтимол кулгандир. — Тушунмадинг-а? — Файрат жўрамнинг атайин жигға тегдим. — Тушунганинда очилиб кулар эдинг. — Тушундим. Бу латифангни тушунмайдиган жойи йўқ. — Бошқатдан айтиб бераман, — асабини қитқилдим. — Яхшилаб эшит. Бир меҳмон беш бармоғини ботириб овқат еркан. Уч бармоғин билан овқат есанг, ўласанми, деб танбех берибди мезбон. Қолганлари ғазабланади-да, ваз кўрсатибди меҳмон.

Ҳажвия

— Яна кулмаясан, — дедим Файрат жўрамдан хафа бўлгандай бўлиб. — Сен бундан олдин латифа эшитмагансан? Ҳамма тушунмадинг қилиб айтиб берсам ҳам, бўзайиб турибсан. — Йиғиштир латифангни! — охири портлади Файрат жўрам. — Мен латифа эшитаман деб сенинг уйингга келганим йўқ! — Кечир, жўра! — узр сўрадим Файратдан. — Нега жаҳлинг чиқяпти? Бу бор-йўғи бир хангома. Сени хурсанд қиламанми, дедим. Афтидан латифам сенга ёқмади. — Нима? Сенингда мен жинниманми? — азбаройи жаҳли чиққанидан Файрат жўрамнинг овози бўғилиб чиқди. — Латифангни яхши тушундим. Гап тамом-вассалом! — Нега бўлмаса кулмаясан? Кул! Кул-мадингми, демак, тушунмабсан, — очоқат қолпоннинг озғига бошимни тикяётган эдим. — Фикрларингни жамлаб, латифани яна бир марта эшит. Қайтараман. Мен кутган ҳол рўй берди. Файрат жўрам иргиб ўрнидан туриб, эшикка ўзини урди. Уни бу аҳволда ҳеч бир куч йўлдан қайтара олмас эди. — Файрат жўра... Ҳали кун ботмасдан қаёққа? — Сигирни даштдан олиб келишим керак, — қалтираётганидан ботинкасининг боғичларини ҳам тибди олмади. — Падарингга ланат!!! Мен бешинчи бор латифани айтиб, мақсадни аниқ мўйлашга олдим. — Бир меҳмон беш бармоғини ботириб... — Бас қил! — Файрат жаҳлини жиловлэй олмай, эшикни тегди. — Ҳе-е... Меҳмонингни уйи куйсин! — Файрат жўра, — унга бардош тилаган бўлдим. — Нега хафа бўлясан? Эртага кел... Латифани тушунтириб, албатта хурсанд қилиб жўнатаман. Мана бундай... — Овозингни ўчирасанми, йўқми? — Файрат жўрам томоғимдан қисиб, дамимни ичимга тушириб юборди. — Уйингга келай... Уйингни елканнинг чуқури кўради эдинг. Файрат жўрам ит қуваган девонадай йўртиб, катта кўчага чиқди. Мен ҳали бир қарорга келмасидан хотиним қўлимга кетмонни тутқазди. — Бир меҳмон... — Бўлди-е... — хотиним сўзимни озғимда қолдирди. — Бир меҳмон, бир меҳмон дейвериб, меҳмонни ҳам тентак қилдингиз. Меҳмон кетди. Менимча, у ҳеч қанда уйимизга қайтиб келмаса керак. Энди бемалол помидор ниҳолларини эксангиз бўлади.

Турсунбой БОЙМИРОВ

«Universal Realtor» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақдиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 июлдаги №145-сонли қарорига асосан қуйидаги давлат активлари очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда:

- 1. Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 9 сентябрдаги 141-П-сонли буйруғига асосан Тўрткўл тумани, «Уллубоғ» ОФИДА жойлашган, умумий ер майдони 106,4 кв.метр, қурилиш ости майдони 106,4 кв. метрдан иборат 1989 йилда қурилган «Айритом» ФАП эски биноси. Бошланғич баҳоси — 37 393 740 сўм.
- 2. Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 9 сентябрдаги 142-П-сонли буйруғига асосан, Тўрткўл тумани, «Тозабоғ» ОФИДА жойлашган, умумий ер майдони 188,50 кв.метр, қурилиш ости майдони 188,50 кв. метрдан иборат 1998 йилда қурилган «Казан арна» ФАП эски биноси. Бошланғич баҳоси — 86 293 670 сўм.
- 3. Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 9 сентябрдаги 143-П-сонли буйруғига асосан, Тўрткўл тумани, «Ўзбекистон» ОФИДА жойлашган, умумий ер майдони 151,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 151,0 кв. метрдан иборат 1982 йилда қурилган «Ақбошли-2» ФАП эски биноси. Бошланғич баҳоси — 68 282 760 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 15 октябр кўни соат 11:00да Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Темир кўчаси, 112-А уйда жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади. Буюртманомалар қабул қилиш маъруз эълон қилган кундан бошлаб Нукус шаҳри, А. Темир кўчаси, 122-уй, 2-қаватда расмий иш куллари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 14 октябр соат 18:00.

Юқоридаги давлат активлари 2013 йил 15 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 2013 йил 30 октябр, 14 ва 29 ноябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртмалар қабул қилишнинг охири мuddати 2013 йил 29 октябр, 13, 28 ноябр кунлари соат 18:00 гача.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўрғисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Realtor» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТБ «Турон» банк Нукус филиали, МФО 00585, СТИР 302 269 399, 20208000204975228007 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топшириши керак: юридик шахслар давлат рўйхатинда ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вақилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вақил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вақилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукцион савдоси яқунлари, савдо ўтказилгандан сўнг чиқарилади ва савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Аукцион савдоси гоилиблари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзолагандан кўндан бошлаб 20 кун мuddат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотиди шартномасини имзолаши, тўланган закалат пули миқдори ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камини ташкил этса, етишмаётган суммани олди-сотиди шартномаси тўлигига қадар савдо ташкилотчсининг банк ҳисоб рақамига тўлаши шарт. Қўшимча маълумотлар олиш манзили: 230100, Нукус шаҳри, А. Темир кўчаси, 122-А уй, 2-қават. Тел/факс: (8-361) 222-11-73. Сайт: www.realtor.uz Email realtor@realtor.uz Лицензия: RR-0127.

ТУЗАТИШИ

Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ томонидан «Ishonch» газетасининг 2013 йил 24 август №100 (3293)-сонидан «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига тақдиф этади» сарлавҳаси «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига тақдиф этади» деб ўқилсин.

Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadiyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan. ISSN 2010-5002. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73. Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpo'g'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A. Toshev. Navbatchi: S. Abdurahmonov. Musahhih: S. Shodiyeva. Boshlarga topshirish vaqti - 23.35. Topshirildi - 00.30. E-mail: ishonch2012@gmail.com. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va saqlanadi. Sahifalovchi: H. Abdullayev. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonani manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.